Марказий офицерлар саройида

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

**Марказий офицерлар саройида Куролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони – Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга юртдошларимиз томонидан битилган хатлар асосида чоп этилган «Президентга мактублар» номли янги асарни ўрганиш ва «Ўзбекистоннинг барча болалари – менинг фарзандларим» деб номланган маънавий-маърифий тадбир, китобхонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, ҳарбийларимизнинг ушбу асарни ўрганишга биринчилардан бўлиб киришгани қувонарли, албатта. Бу ҳол армияда хизмат қилаётган ёшларда интеллектуаллик салоҳияти ошаётганидан, посбонларимизнинг билимга чанқоқлигидан далолатдир.**





Унда сафарбарлик чақируви резервидаги йиғин иштирокчилари, муддатли хизматни ўтаётган аскарлар, курсантлар, сержант ва офицерлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситаси ходимлари иштирок этишди. Марказий Офицерлар саройи услубчиси Навбаҳор Жалилова тадбирни очиқ деб эълон қилар экан, илк сўз Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари шоира Зулфия Мўминовага берилди. Зулфия Мўминова ушбу асар ҳақида, унинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида тўлқинланиб гапирар экан, давлатимиз раҳбарига мактуб ёзган юртдошларимиз ичида ёшларнинг салмоқли ўрин тутишини, улар орасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳам борлиги қувонарли эканини айтиб ўтди ва асардан мактублар ўқиб берди. Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари шоир Минҳожиддин Мирзо, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир Рустам Мусурмоннинг чиқишлари ва она-Ватанимизни мадҳ этиб ўқиган шеърлари ҳам иштирокчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

– Ушбу асар давлатимиз раҳбарининг ҳар бир юртдошимиз – мунис онахонлару пиру бадавлат отахонлар, латофатли опа-сингилларимиз, кексаю ёш, ҳатто, тўшакда ётиб қолган беморларгача ҳамма-ҳаммасига бўлган эътиборини билдириб турибди, – деди Минҳожиддин Мирзо. – Китоб барчамизни бирдамликка, аҳилликка, ватанпарварликка чорлайди. Асарда бошига ташвиш тушган баъзи юртдошларимизга ҳамдардлик мактублари ҳам ўрин олган, шунингдек, фуқароларнинг дил изҳорлари ва миннатдорчилик хатлари ҳам берилган. Умуман олганда китобни ўрганишдан мақсад, бир-биримизга ўзаро меҳр-оқибат ва ишончни мустаҳкамлаш, катталарни эъзозлаш, кичикларни қадрлаш, юртга садоқат, юксак инсонийлик туйғуларини мустаҳкамлаш демакдир.

Шундан сўнг Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси томонидан концерт дастури тақдим этилди. Мудофаа вазирлигига қарашли 23 сонли мактабгача тарбия муассаси тарбияланувчи қизалоқлари томонидан намойиш этилган чиройли рақс ҳам йиғилганлар қалбига бир олам завқ бағишлади.

Тадбирдан кейин Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисм клуб бошлиқлари ва кутубхона мудираларига ушбу асарни ўз хизмат жойларида ўрганишга доир тавсиялар берувчи семинар ҳам ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Капитан Дилявер АБЛАЕВ олган сурат.**

# ПО ЕДИНОЙ МЕТОДИКЕ



**Недалек тот час, когда новое поколение вооруженных защитников Родины переступит порог воинских коллективов. Ни у кого не вызывает сомнения тот факт, что с первых минут своего пребывания в частях каждый новобранец будет окружен заботой и вниманием и для них будут созданы все необходимые для качественного прохождения службы условия. Однако это далеко не единственная задача, которая стоит перед командирами, офицерами-воспитателями по вводу в строй вновь прибывших.**

Сегодня, как никогда, важно воспитать в молодом человеке чувство гордости за принадлежность к Вооруженным Силам, чувство безграничной веры в мощь и силу оружия, которое доверила ему Родина. Для достижения данной цели существует немало методов. Могут применяться беседы с молодыми солдатами, встречи с ветеранами, но, как показывает практика, наиболее действенными в данном случае являются показные занятия. На сегодняшний день эта форма приобрела широкомасштабный характер, но надо отметить, что не везде и не всегда она используется с максимальной эффективностью. И причиной тому разноплановая методика проведения подобных мероприятий. Ликвидировать этот пробел, привести все к общему знаменателю, одним словом, выработать единый принцип решения данного вопроса и были призваны проведенные недавно занятия по показу вооружения и военной техники, участниками которых стали заместители командующих войсками военных округов и командиров частей по вооружению и боевой подготовке. Почему привлекалась именно эта категория, догадаться несложно.

Усилиями офицеров соответствующих служб Министерства обороны и Центрального военного округа на смотровые площадки было выставлено максимальное количество техники и вооружения, которые применяются на современном этапе. Вниманию офицеров были представлены образцы бронетанковой техники, различные модификации зенитных и артиллерийских установок, инженерное оборудование и средства связи, а также средства, используемые в борьбе с террористами. Особо следует отметить высокий уровень подготовки руководителей занятий на учебных местах. В краткой, но очень доступной форме они давали характеристики тому или иному виду вооружения, а при необходимости им сопутствовали емкие по содержанию комментарии, что само по себе заставляло поверить в силу этого грозного оружия. Однако, как гласит народная мудрость, «Лучше один раз увидеть, чем сто раз услышать». Исходя из этого, организаторами занятия было принято решение на практике продемонстрировать возможности боевого оружия, тем паче что условия полигона вполне позволяли это сделать.

Даже видавших виды офицеров не оставило равнодушным то, как выстрелы гранатомета, несмотря на шквальный ветер и проливной дождь, ложились точно в цель, как безупречно действовали пулеметчики и снайперы, как воины огнем из зенитных установок бронетранспортеров, танков и артиллерийских орудий с предельной точностью поражали мишени. Словом, зрелище было впечатляющее, и можно себе представить ту положительную реакцию, которую вызывает виденное у новобранцев.

Время на проведение занятия, как, собственно, и на его подготовку, затрачено было немного, но пользу оно принесло огромную. А самое главное то, что офицеры воочию убедились, как нужно проводить его, как сочетать теорию с практикой, чтобы добиться желаемого результата, а именно: убедить молодых людей в том, что наши Вооруженные Силы действительно являются надежным гарантом мира и стабильности в стране.

**Подполковник Ярослав КОРУКА.**
**Фото автора.**

# ЭЪТИБОР, ҚИЗИҚИШ ЮКСАЛИБ БОРАР



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

– Чақирув бошланишидан олдин туман ҳокимлиги билан жадвал тузиб, маҳаллаларда йиғинлар ўтказдик. Унда чақирилувчи, ота-онаси, участка нозири, маҳалла фаоллари, ҳатто даволовчи шифокор иштирок этишди. Бундайин йиғинлар орқали биз чақирилувчиларимиз ҳақида янада холисроқ маълумотлар тўплаймиз. Шу ўринда Мажид ака Абдуллаев оқсоқоллик қилаётган «Қорасарой» маҳалласида, Абдумавлон ака Рақиев оқсоқоллигидаги «Мискин» маҳаллаларида чақирилувчилар билан олиб борилаётган кенг тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Чақирилувчилар – бўлғуси Ватан ҳимоячилари билан ҳам суҳбатлашдик. Шулардан бири ўқ отиш спорти бўйича биринчи разряд соҳиби Дмитрий Галькин бўлади. «Динамо» спорт мажмуасида Дмитрий Сидников мураббийлигида машғулотлар ўтаган бу ўғлон юрт сарҳадлари ҳимоясига шай.

«Иброҳим ота» маҳалласидан келган чақирилувчи Акмалбек Одилов ҳам спортчи экан. Болалигидан каратэ билан шуғулланган, кўк белбоғ соҳиби. Етти ёшида халқаро мусобақада олтин медални қўлга киритган. 1998 йилда Ўзбекистон чемпионатида учинчи ўрин соҳиби бўлган. «Чегара қўшинларида хизмат қилмоқчиман», дейди ғурур билан у. Ҳа, ана шундай норғул, ўктам, маънан ва жисмонан шаклланган ўғлонлар саралаб, армиямиз сафларига олинмоқда.

Чақирув пунктида туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Посбон» марказы раиси Абдулазиз Исломовни учратдик. «Чақирилувчилар билан суҳбатлашиб, улардаги чақнаб турган шижоатни, қатъиятни ҳис қилади киши», дейди у. Юқорида таъкидлаганимиздек, мудофаа ишлари бўлими гавжум. Бу ерда ҳокимлик, «Маҳалла» жамғармаси вакилларини, хуллас, туманнинг кенг жамоатчилигини учратиш мумкин. Бунда мен тобора шаклланиб бораётган армия ва халқ якдиллигини ҳам кўрдим.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**
**Подполковник Ярослав КОРУКА суратга олган.**






Боевая учеба – опыт лучших подразделений

# ПСИХОЛОГИЯ ПОБЕДИТЕЛЕЙ

**Для воинов части, где служит офицер Руслан Джумаев, завершающийся учебный период запомнится высокой оценкой ратного труда военнослужащих. Приказом Министра обороны за методически грамотное проведение теоретических и практических занятий с использованием новых элементов учебно-материальной базы командиру взвода старшему лейтенанту Анвару Хамидову объявлена благодарность, и он награжден Памятным знаком Министра обороны.**

**Воспитательный процесс**

## ОПИРАЯСЬ НА ТРАДИЦИИ ДУХОВНОСТИ

Заместителя командира взвода по воспитательной работе капитана Махмуджона Султанова трудно застать в рабочем кабинете. Поскольку его подчиненные являются разведчиками, то основная часть их служебного времени проходит на полевых выходах. Офицер-воспитатель свою работу умело подлаживает под жесткий график ратного труда подразделения, зачастую проводя занятия даже под открытым небом. Свежий номер газеты «Ватанпарвар» всегда оказывается весьма кстати для очередного оперативного информирования личного состава.

– Можно иметь самую современную методическую базу, вооружить воинов самым лучшим оружием, но если в их душах не будет понимания того, ради защиты каких национальных ценностей они трудятся, чувства гордости за славную историю нашего народа, то успеха не будет, – твердо убежден капитан М. Султанов. – Выработка психологии победителей обязательно должна опираться на духовные традиции народа, а для этого надо их знать и приумножать.

Выпускнику Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища еще в курсантские годы посчастливилось прикоснуться к сокровищам истории узбекского народа во время экскурсий по памятникам Самарканда – столицы нашего великого предка Сахибкирана Амира Темура. Уроженец Андижана с юных лет впитал в себя гордость и за великого земляка, прославленного полководца Захириддина Мухаммада Бабура. Рассказывая сослуживцам об их славных походах, он с удовлетворением видит в их глазах чувство гордости и стремление быть достойными их памяти. Именно это помогает преодолевать усталость во время многокилометровых марш-бросков по горным кручам, изобретательно и с выдумкой вести учебный бой, неустанно совершенствовать ратное мастерство.

**Организация соревнования**

## В АТМОСФЕРЕ СОСТЯЗАТЕЛЬНОСТИ

Еще одним важным компонентом успеха здесь называют организацию соревнования на звание лучшего по профессии. Ведь и в прошлом году в Республиканском финале сразу два представителя этого взвода достойно защищали честь Ташкентского военного округа. В номинации «Лучший командир группы» сильнейшим тогда назвали старшего лейтенанта Анвара Хамидова, а «Лучшим сержантом» был признан младший сержант по контракту Бахтиер Хужанбердиев. Этот факт не остался незамеченным – оба отличника повышены в должностях. Для командира группы старшего лейтенанта Шерзода Бульшева пример товарища стал прекрасным стимулом для еще более напряженного труда. К тому же наличие такого заместителя, как младший сержант Б. Хужанбердиев, просто обязывает ставить перед собой только самые высокие задачи.

Наглядность промежуточных итогов состязания на «Экране соревнования», регулярное их подведение и полная объективность дают повод каждому стремиться к победе.

**Методическая база**

## ЗАЧЕМ РАЗВЕДЧИКУ КОМПЬЮТЕР?

При знакомстве с программой боевой учебы взвода выяснилось, что различного рода тренажеры очень эффективно используются передовиками. Если в спортивном зале офицеры и военнослужащие по контракту наращивают мышечную массу и вырабатывают выносливость на тренажерном комплексе, то при помощи компьютерного тренажера они поддерживают навыки в меткости ведения огня из стрелкового оружия.

Младшему сержанту по контракту Абдурашиду Худайбердыеву доставляет истинное удовольствие наблюдать на экране монитора, как его товарищи работают на занятии по огневой подготовке. Разведчики одинаково метко стреляют как из пистолета, так и из автомата, гранатомета, снайперской винтовки.

– Раньше нам приходилось выезжать на стрельбы, больше расходовать горючее и другие ресурсы, патроны, – говорит снайпер младший сержант по контракту Озод Илтиров. – Теперь появилась возможность экономить время и народные деньги, поддерживая необходимые навыки.

В подразделении с большим интересом ознакомились с докладом Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров страны, посвященном подведению итогов 2005 года. Отрадно сознавать поступательное движение вперед экономики нашего государства, причем военнослужащие хотят вносить вклад в процветание Родины не только отличными оценками в боевой учебе, но и бережливым отношением к выделяемым на оборону народным средствам. Во взводе развернулось настоящее соперничество за экономию и бережливость. И в этом плане возможность компьютерного обучения создает дополнительные гарантии того, чтобы впоследствии на реальных боевых стрельбах каждый выстрел бил точно в цель.

**Работа с кадрами**

## ВИДЕТЬ ПЕРСПЕКТИВУ

Во взводе стало доброй традицией тщательно изучать деловые качества каждого с тем, чтобы отличники боевой учебы четко видели перспективы своего продвижения.

А служат здесь настоящие профессионалы, успешно прошедшие обучение в школе подготовки сержантов округа. Например, младшему сержанту Фахриддину Тангирову, у которого за плечами еще и срочная служба в Пограничных войсках, не нужно объяснять значение устойчивой связи в современном бою. А младший сержант Ахтам Худайкулов до того, как освоил специальность сапера, образцово отслужил в зенитно-ракетном подразделении. Опытные сослуживцы взяли шефство над рядовым по контракту Нозимжоном Авазовым, лишь недавно прибывшим во взвод. Хотя и его можно назвать новичком лишь условно, ведь он отлично отслужил срочную службу в должности снайпера.

## НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ

В торжественной обстановке высокая награда от имени Министра обороны была вручена командиру взвода старшему лейтенанту Анвару Хамидову заместителем командующего войсками ТВО по воспитательной работе подполковником Алишером Муиновым. Теперь перед молодым офицером открываются новые горизонты – надо утверждаться в должности, чтобы победить в соревновании уже в качестве командира взвода. Совершенству нет предела.

**Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**
**Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.**










Саҳифамизнинг бу галги гўзал меҳмони – латофатли раққоса Ҳилола Облоқулова бўлди.

У айни пайтда санъатнинг ушбу фусункор ва жозибали йўналишида фаолият кўрсатади. Қизиқишлари, кўзлаган эзгу орзулари бир жаҳон. Бадиий адабиёт, мусиқа, ранг-тасвир жилоси асосида асар яратиш, пазанда ва эпчил аёлларимизга хос бўлган бичиш-тикиш ҳамда ширин таомлар тайёрлашни ёқтиради. Дўстлик, аҳдга вафодорлик, изланиш ва ижодкорлик каби фазилатларни юксак қадрлайди.

Турли ўлкаларга саёҳат қилиш эса жони-дили. Айниқса, мазкур ташрифлар чоғи миллий санъатимизни тараннум этиб, ўз ижоди билан томошабинлар кўнглига завқ улашса, янаям хурсанд бўлади.

У шунингдек, спорт билан ҳам ошно тутинган десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки Ҳилола сув спорти билан мунтазам шуғулланиб келади.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10x15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Более ста человек приняли участие в изготовлении композиции из песка, символизирующей гармоничное существование всего живого на планете. Работа энтузиастов из малайзийского штата Пинанг занесена в Книгу рекордов Гиннесса как крупнейшая по своим размерам и количеству использованного материала. Для изготовления композиции «Восемь знаков благословления мира» площадью 384 квадратных метра было использовано более восьми тонн песка шести различных цветов. В работе приняли участие более тридцати монахов, специально прибывших в Малайзию из Тибета и Китая, представители Буддистской ассоциации Малайзии и сотрудники городской администрации. Торжественное открытие рекордного по своим размерам песочного сооружения было приурочено к буддистскому празднику благословления и процветания. В ходе его проведения священнослужители и гости зажгли двадцать тысяч масляных ламп в память жертв разрушительного цунами.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Искандар Раҳмоннинг ушбу шеърига Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳматов куй басталаб, бир неча йилдан бери катта саҳналарда ижро этмоқда.

## ҲАР БАҲОР, ҲАР КУЗДА...

Ҳар баҳор, ҳар кузда кўча тўлдириб,
Кимнидир куйдириб, кимни кулдириб,
Аҳдида мустаҳкам, мардона туриб,
Йўл олар йигитлар жанговар сафга,
Қуйилар йигитлар жанговар сафга!
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!
Соғ-омон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Она-юрт фармони, тилаги билан,
Юракнинг туғёни, истаги билан,
Отилиб олдинга кўкраги билан,
Йўл олар йигитлар жанговар сафга,
Қуйилар йигитлар жанговар сафга!
Оқ бўлсин йўлингиз, асл йигитлар!
Соғ-омон қайтингиз, аҳил йигитлар!

Йигитлик ғурурин байроқдек асраб,
Оталар ишончин, йўлини оқлаб,
Ҳур Ватан тупроғин севиб, ардоқлаб,
Қайтишар шон-зафар қучиб йигитлар,
Она-юрт маконга учиб йигитлар!
Офарин Сизларга, ботир йигитлар!
Оловқалб, баҳодир, нодир йигитлар!

Ҳар баҳор, ҳар кузда елиб-югуриб,
Кўксини шон, нишон билан тўлдириб,
Жанговар сафларда мардона туриб,
Қайтишар ҳарбийдан ғолиб йигитлар!
Юртига тинчлик, бахт олиб йигитлар!
Бор бўлсин навқирон насл йигитлар!
Тинчликка сафарбар, кафил йигитлар!

# «КУРАШ – МИЛЛАТ ҒУРУРИ»

## танловига марҳамат

**Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши бугунги кунда жаҳонни забт этди. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг раҳнамолигида бу қадим спорт тури қисқа муддат ичида дунёнинг беш қитъасини қамраб олишга улгурди. Бугунги кунда дунёнинг 80 га яқин давлатларида кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани – ўзбек курашининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Дунё ҳамжамияти тобора довруғ қозонаётган ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олишига катта умид ва ишонч билан қарамоқда.**

Ўзбек курашини жаҳонда ва мамлакатимизда янада кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Кураш Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси махсус танлов эълон қилади.

**Танлов шартлари:**

Ўзбек курашининг шонли тарихи, маънавий-маърифий аҳамияти, етти иқлимни забт этган чапдаст полвонларимиз ибрати, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг улуғланишига бағишланган, бадиий жиҳатдан юксак савияда ёзилган насрий (роман, қисса, ҳикоя), публицистик (эссе, очерк, мақола) ҳамда шеърий (достон, шеър, бағишлов) асарлар қабул қилинади.

Мазкур асарлар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида республикамиз оммавий ахборот воситаларида танлов учун махсус ташкил этилган «Кураш – миллат ғурури» рукнида эълон қилинган бўлиши шарт.

**Танловни ўтказиш тартиби:**

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, асарнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, профессионал маҳорат асосий мезонлар ҳисобланади.

**Ғолибларга:**

**Энг яхши насрий асар учун:**
1-ўрин – 300 000 (уч юз минг) сўм;
2-ўрин – 200 000 (икки юз минг) сўм;
3-ўрин – 100 000 (юз минг) сўм;

**Энг яхши публицистик асар учун:**
1-ўрин – 300 000 (уч юз минг) сўм;
2-ўрин – 200 000 (икки юз минг) сўм;
3-ўрин – 100 000 (юз минг) сўм;

**Энг яхши шеърий асар учун:**
1-ўрин – 300 000 (уч юз минг) сўм;
2-ўрин – 200 000 (икки юз минг) сўм;
3-ўрин – 100 000 (юз минг) сўм пул мукофот ва учта рағбатлантирувчи мукофот берилади.

Ғолиблар 2006 йилнинг 6 сентябрь – (Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган ва ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида жаҳон майдонига чиққан) куни эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Кураш – Миллат ғурури» танловига деган қайд билан жорий йилнинг 10 мартидан 20 августига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар (Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй) уюшмасига тақдим этилади.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**



## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

**Ўсиб келаётган ёш авлодни, ўғлонларимизни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасаларига ҳам катта масъулият юкланади. Чунки бола куннинг каттагина қисмини айнан мактабда ўтказади. Дарсларда, дарсдан кейинги факультатив машғулотларда, турли тўгарак ва секциялар ишида, ўқувчилар иштирокида ўтказиладиган тадбирларда бу масалаларга алоҳида эътибор беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Жиззах шаҳридаги «Зиё» иқтидорли болалар умумтаълим мактаби директори, шаҳар Кенгаши депутати Сайёра МАМАДИЕВА билан шу ҳақда суҳбатлашдик.**




– Айримлар, дейлик, «математика ёки жисмоний тарбия дарсларининг ватанпарварлик тарбиясига қандай боғлиқлик томони бор?» – дейишади. Яхшилаб ўйлаб кўрилса, жуда боғлиқлиги бор-да! Ўқувчига математик амалларни ўргатиш чоғида «алгебра» сўзининг келиб чиқиши буюк аллома бобомиз ал-Хоразмийнинг «Алжабр» асарига бориб тақалишини айтиб бериш орқали уларда бой ўтмишимизга, боболаримиз меросига ҳурматни, уни авайлаб-асраш ва бойитишга интилиш ҳисларини шакллантириш мумкин. Ёхуд жисмоний тарбия дарсларида болаларга фақат жисмоний машқлар бажартириш билангина чекланиб қолмасдан, жаҳон спорт ареналарида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, юртимиз довруғини дунёга достон этаётган спортчиларимиз ҳақида сўзлаб бериш, оммавий ахборот воситаларида чиққан мақолалар билан таништириш ҳам ватанпарварлик тарбиясига хизмат қилади.

Мактабимизда 22 нафар ўқитувчи меҳнат қилади. Уларнинг 5 нафари олий, 10 нафари эса биринчи тоифага эга. Ҳаммаси ижодкор, изланувчан устозлар. 200 нафар ўқувчимиз бор. Ҳар йили 20-25 ўқувчи мактабимизни битириб, академик лицей ва коллежларда таҳсилни давом эттиришаётир. Ҳар бир ўқитувчимиз, у қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, ўқувчиларнинг аввало, одоб-ахлоқли, оқил, меҳнатсевар бўлиб камол топишига, ватанпарварлик тарбияси йўналишидаги ишларга жиддий ёндашади. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисоллар келтирай. Йил бошида – «Ватан ҳимоячилари куни» арафасида ўқувчилар ўртасида «Аскар акамга мактуб» номли танлов ўтказдик. Ўқувчиларимиздан бири ёзган иншо-мактубдаги қуйидаги сатрлар биз устозларни ҳаяжонга солди. «Салом, акажон! Хатингизни, юборган суратингизни олдик. Аскарлик кийими жуда ярашибди, сизга ҳавасим келди. Катта бўлсам мен ҳам ҳарбий хизматга бораман, ундан кейин ҳарбийлик касбини танлайман, деб аҳд қилдим. Жиззахимиздаги ҳарбий учувчилар тайёрлайдиган билим юртида ўқимоқчиман. Шу ниятимни устозимга айтгандим, у киши бунинг учун кўп ва аъло ўқишим, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиш учун спорт тўгаракларига қатнашишим зарурлигини уқтирдилар. Ҳозир таэквандо тўгарагига қатнашаяпман», деб ёзибди ўқувчимиз. Эсланг-а, бундан бир неча йиллар бурун аксарият ота-оналар бўй етган ўғилларини ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун елиб-югуришар, тўрт мучаси соп-па-соғ фарзандини касал қилиб кўрсатишдан ҳеч ҳам виждонлари қийналмасди. Бугунги кунда эса вазият кескин ўзгарган. Аскарликнинг, ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди, йигитларимиз армияга боришни юрак амри, ор-номус белгиси деб билишмоқда. Ўқувчи ёшлар улғайиб ҳарбий бўламан, Ватан ҳимоясига бел боғлайман, деб ният қилишмоқда, ўзларини шунга чоғлашмоқда. Энди ота-оналар ҳам мудофаа ишлари бўлимларидаги тиббий комиссиялар ўғилларини касал деб ёки бошқа узрли сабаб билан хизматдан қолдирса, «менинг фарзандим бошқалардан камми, унинг ҳам Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташини истайман», деб жанжал қилишаяпти-ки, бундан фақат қувониш керак. Бунда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Жиззахда Олий ҳарбий авиация билим юрти, бир неча ҳарбий қисмлар бор. Тез-тез ўқувчиларимизни шу жойларга олиб бориб курсант ва аскарларнинг қандай хизмат қилишаётгани, уларга яратилган шароитлар билан таништирамиз. Уруш ва меҳнат фахрийлари, жиззахлик таниқли спортчилар билан учрашувлар ўтказиш, вилоятимиз тарихини яхшироқ билишлари учун «Ўлкашунослик музейи»га, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш ҳам яхши анъанага айланиб қолган. Баҳор ва кузда, яъни муддатли ҳарбий хизматдан бўшатиш ва навбатдаги чақирув пайтида маҳалла фуқаролар йиғини, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ёшларни армияга кузатиш, хизматни ўтаб бўлган аскарларни кутиб олиш тантаналарини мунтазам ўтказиб турамиз. Айниқса, ҳарбий хизматдан қайтган маҳалламиз ёшларининг ўқувчи укаларига, сингилларига аскарликнинг ўзига хос томонлари, йигит кишининг шаклланишидаги ўрни ҳақида сўзлаб бераётгани катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги ишларимизнинг натижаси бўлса керак, бугунги кунда мактабимизни битирган ўқувчиларнинг 5 нафари олий ҳарбий билим юртларини битиришиб, намунали офицер сифатида хизмат қилишаяпти, яна 2 нафари шартнома бўйича ҳарбий хизматни давом эттираётир, ҳарбий хизматчи бўлиш орзусида юрган ўқувчиларимиз эса жуда кўп.

Галдаги режаларимиздан бири соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан «Амир Темур адабиёт, санъат ва меъморчилик ҳомийси» ҳамда «Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти» номли иншолар танловлари ўтказиш ҳамда энг аълочи ва жамоат ишларида фаол ўқувчиларимиздан бир гуруҳини Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб бориш.

Хуллас, фарзандларимизни Ватанни севишга, уни асрашга ўргатиш, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар доим таълим ва тарбия соҳасидаги ишларимизнинг асосини ташкил этиши зарур. Бирор бир устоз-муаллимнинг бу масъулиятни унутишга ҳаққи йўқ.

**Дармон ИБРОҲИМОВ
ёзиб олди.**

# КИЙИМ ҲАЁ БЕЛГИСИ

Кийиниш маданияти ҳақида сўз кетганда давр, замон ўзгаришларини тилга оламиз. Лекин шу яхши, ёмон ўзгаришларнинг асл сабабчиси ўзимиз эканлигимизни унутиб қўямиз, гоҳида. Келинг, шу ўринда аёлларимизнинг, тўғрироғи, қизларимизнинг шу кундаги кийиниши ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Бизнинг шарқ аёллари қадим-қадимдан ҳаёси, ибоси, садоқати билан улуғланиб келинган. Албатта, бу гўзал хулққа эгнидаги либослари ҳам монанд келганки, бу уйғунлик уларнинг жозибасини янада оширган. Ҳозирга келиб-чи? Бу саволга бир оз хижолатлик билан жавоб қайтаришимиз турган гап. Шу ўринда онамнинг бир гапини эслайман. «Аёлларнинг очиқ-сочиқ кийинишини кўриб «тавба», дейсан киши. Аслида эркакларнинг белдан тиззасига қадар берк бўлса, қолган жойларининг очиқлиги уят ҳисобланмайди, динимизда. Ҳозирги ёшларга эътибор берсанг, бунинг аксини кўрасан. Йигитларимиз бинойидек кийинган, қизларимиз эса ҳаёсиз даражада очиқ».

Шим кийган аёлларимиз бир сўзни такрорлашади: «Бу жуда қулай ва иссиқ». Ҳа, балки шу сабаб хотин-қизларимизга шим кийиш ёппасига урф бўлгандир. Бу борада эркакларимизнинг кийимини-ку ўзлаштириб олдик. Бироқ шу қадар беҳаёларча ўзлаштирдикки, улар кийганда кенг – мўл турадиган шим аёллар эгнида тор-танқис, ҳар бир вужудини шармандали даражада «кўз-кўз» этиш қуролига айланди, десак хато бўлмайди.

Кейинги йиллардаги аёллар модаси эса барчасидан ошиб тушмоқда. Яъни қизларимизнинг киндикларини, тўғрироғи, қоринларини очиб юришлари қайси маданиятта тўғри келади, билмадим. Хўш, мана шу қизларимизда сизнингча ҳаё ва ибо мавжудми? Юзингизга ҳеч нарсадан тап тортмай, беписандларча тикилиб турган бу нигоҳлар шарқ аёлига хосми ўзи? Улар сизнинг насиҳатингизга қулоқ тутадими? Афсуски, бу борада ижобий жавоб топишингиз мушкул.

Тўғри, йиллар давомида кийиниш маданияти ўзгариб боради. Шу сабабли ёшларимизга бундан эллик, олтмиш йил аввал момоларимиз кийган, ўша давр урфига монанд кийинишга одатланинг демаймиз. Бироқ шарқ маданиятини, унинг сирли ва сеҳрли жозибасини ўзида мужассам этган, миллийлигимизга хос замонавий кийинсак ҳам бўладику. Не бўлганда ҳам доимо сирли ҳилқат бўлиб келган аёл зотининг шарм-ҳаё билан уйғунликда кийинганига не етсин.

**Зулфия НОСИРЖОН қизи.**

## МАЪНАВИЯТ



Наврўзнома

# МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ АНЪАНАСИ

Халқнинг ҳар бир урф-удуми, байрами унинг санъатида, албатта, акс этади. Наврўз байрами ва унга муносабат ҳам Шарқ халқлари бадиий ижодида кенг ўрин тутади. Қадимги туркий халқ қўшиқлари, илк ёзма ёдгорликлар, «Девону луғатит турк», «Қутадғу-билик»даги тўртликлар ва бошқа жанр намуналарида баҳор эзгуликлари ёниқ эҳтирос билан куйланган. Ўрта асрлар адабиётимиз намояндалари орасида Наврўз ёки баҳор ҳақида ёзмаган адибни топиш қийин. Биргина ғазал жанрида ёзилган бундай асарларни тўпласак, салмоқли китоб бўлади. Мавлоно Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳийлар наврўзнома ғазалнинг беқиёс намуналарини яратдилар. Умумшарқдагидек, ўзбек шеъриятида ҳам наврўз ва баҳор эзгуликларини мадҳ этиб ғазал битиш улуғ анъанага айланди. Шоирлар фақатгина ғазал билан чекланмай, шу мавзудаги устозлари, замондошлари, қардош тожик ва озарбайжон ғазалнавислари асарларига беҳисоб назиралар ёздилар. Бу анъана бугунда ҳам давом этаётир. Чунки ҳар йили Наврўз келади. Уни ҳар қалб янгича инкишоф ва талқин этади.

Хўш, бизнинг ғазалиётимизда бу қутлуғ анъананинг бошловчиси ким? Наврўз ҳақидаги илк туркий ғазал қайси бахтли шоирнинг қаламига мансуб?

Бизгача етиб келган ўзбекча ғазаллар асосида ҳукм чиқарадиган бўлсак, бошдан-оёқ Наврўз тасвирига бағишланган биринчи манзара (пейзаж) ғазал XIV аср ўзбек адиби Носириддин Рабғузий ижодида учрайди. «Қиссаси Рабғузий» асари таркибида жойлашган бу ғазал, ғазалнавислигимизнинг юксак чўққисидан қараганимизда, ҳайратга сазовор ери йўқдай туюлади. Аммо орада олти асрлик масофа ётганлигини ҳисобга олсак, бу ғазалнинг ўзбек ғазалиёти такомилида тутган ўрнини белгиласак, муаллифнинг маҳорати муваффақияти аён бўлади.

Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам Наврўзи,
Кечти баҳман, замҳарир қиш, қолмади қори, музи.
Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.
Найшакарлар минбарида тўтиқуш мажлис тутар,
Қумри, булбул муқри бўлиб ун тузар тун-кундузи.
Лола сиғроқин ичар-да, сайрар усруб сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда сакрашур боқлон қўзи.
Кўкда турлаб қўл солишур қуғу, қоз, қил, қарлуғоч,
Ерда югруб кафт олишур тош, тийн, кеш, қундузи.
Бир яғиз ер кўк менгизлик яшноғай майдон бўлуб,
Ўграшур ойтек чечаклар теграсинда юлдузи.
Ҳури айн ужмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур
Ёз уза мундоғ ғазални айтса Носир Рабғузи.

Ғазалнинг бадиий нафосати биринчи мисраданоқ кишини ром этади. Унда табиатда оламшумул янгиланиш юз берганлиги ҳақидаги фикр эҳтиросли ифодаланади: «Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам Наврўзи». Қадим Шарқ йилномасига биноан, Ҳамал – Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи. Ҳамал ойи ҳозирги 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ҳамал ойида жамики мавжудот амал қила бошлайди. Халқ оғзаки ижодиётидаги «Ҳамал – амал» деган мақол ҳам шу табиий жараён ифодаси сифатида юзага келган. Демак, бу сатр халқимизнинг бугун ботбот такрорлайдиган «Ҳамал – амал» мақолига ҳамоҳанг. Бу мақол ва ғазал илк сатри замирида халқнинг табиат ҳақидаги асрий заковати мужассам.

Оламга Наврўз ташриф буюрганини қувонч билан олқишлаган шоир борлиқда юз бера бошлаган ўзгаришларни тасвирлашга изчил киришади. «Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон» мисрасида тазод санъатининг мақсадга мувофиқ ишлатилганини кўрамиз. Бу санъат воситасида қиш ва баҳор мавсумининг ўзаро тафовути, қарама-қарши хусусиятлари ёрқин намойиш этилади, ўлик мавсум оғушида ётган оламга баҳор тирилиш бахш этади. Тирилиш олами эса ўсиб-ривожланади, гуллаб-яшнайди.

Ғазалнинг 3,4,5-байтлари ҳайвонот ва қушлар дунёсидаги жунбишу жонланиш манзараларига бағишланган. Гўё найшакарлар, яъни шакарқамишлар жонзотлар мажлисидаги минбар-у, тўтиқуш унга чиқиб олиб, шакардай ширин ва ёқимли сўзларни қироат қилади. Қумри ва булбул эса ўзаро қорилардек қироатга киришиб, кечаю кундуз ҳамоҳанг ун тортади.

«Лола сиғроқин ичар-да, сайрар усруб сандувоч» сатрига эътибор беринг. «Сандувоч» – ҳозирги сава қушининг қадимги номи. Лола сиғроқи – лоланинг қадаҳсимон шаклини ифодалайди. «Усрук» сўзи ҳозирги маст каломининг қадим туркий маънодоши. Шоир лола қадаҳига қуйилган шабнамни шаробга ўхшатади ҳамда бу орқали шундай мазмунни ифодалайдики, гўё саъва наврўзий лола қадаҳидан шароб симиради ва мастона сайрай бошлайди.

Кейинги мисраларда шоир ер ва осмоннинг Наврўз палласидаги қиёсий манзарасини чизади. Турналар олис осмонда яктан ун тортиб ўтган чоғда кенг яйловларда «боқлон (боқилган) қўзи»ларнинг такур-тукур сакраб ўйнашлари кўнглингизда шўхчан баҳорий кайфият уйғотади. Айниқса, мана бу байт алоҳида эътиборга молик:

Кўкда турлаб қўл солишур қуғу, қоз, қил, қарлуғоч,
Ерда югруб кафт олишур тош, тийн, кеш, қундузи.

Дастлаб номлари тушунарсиз жониворлар диққатимизни тортади. Луғатлардан аниқлаб олиш мумкинки, қуғу – оққуш, қоз – ғоз, қил – қилқуйруқ, қарлуғоч – қалдирғоч; тош – тошбақа, тийн – олмахон, кеш – сувсар, қундуз – ҳозир ҳам «қундуз» деб аталувчи мўйинали жонивор. Демак, ғазал ҳозирда камайиб кетган турли парранда ва жониворларнинг қадимги ҳаёти ва номи билан ҳам бизни таништиради. Байтда осмон манзари – оққуш, ғоз, қилқуйруқ, қалдирғочларнинг чарх уриб парвоз қилиши; ер манзари – тошбақа, олмахон сувсар, қундузларнинг кафтма-кафт тўқнашуви, олишуви уйғун тасвирланган… Ички қофия тарзида қўлланган «қўл солишур», «кафт олишур» иборалари жониворларнинг ўчоғи тор қишдан чиқиб, Наврўз маҳфилида бағри кенг табиат қўйнида жамул-жам бўлиб қувноқ кўришишлари, эллашишларини ҳам ифодалашга хизмат қилган.

Еру кўкнинг қиёсий тасвири кейинги байтда яна ривожлантирилади. Шоир «яғиз ер», яъни бўз тупроқ ҳамалда ой ва юлдузлар билан музайян осмон сингари гулу чечакларга бурканганлигини, ер осмон каби кўм-кўк тусга кирганлигини мадҳ этади.

Ғазал мақтаъи (тугалланма байт) ҳам санъаткорлик билан ёзилган. Мақтаънинг эстетик қиммати, аввало шундаки, у ғазалдаги ҳаётсеварлик руҳини чиройли якунлайди. Бунда шоирнинг дунёвийлик нуқтаи назари яққол акс этган. Маълумки, таркидунёчи зоҳидлар «чинакам гўзаллик нариги дунёда, яъни жаннатдаги ҳуру парилар инсонлардан аъло», деган фикрлар билан оммани ҳаётсеварликдан чалғитганлар. Рабғузий эса ғазалда ердаги ҳаёт гўзалликларини тасвирларкан, «ер ва ундаги ҳаёт гўзаллигига ва Наврўз ҳақидаги ғазалимнинг ҳаётбахшлигига жаннат ҳури енг солиб таҳсин қилади», деган фикрни ифодалайди. Бу байт шоирнинг фахрияси ҳамдир. У ўзининг ғазалнавислик санъатига ифтихор билан юқори баҳо берган. Шоирнинг сўз қўллашдаги маҳоратини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим кўринади. У ўз бадиий мақсадини мукаммал даражада амалга оширадиган «ёз» сўзини топқирлик билан танлаган ва жуда ўринли ишлатган. «Ёз» деганда биз йилнинг баҳор билан куз орасидаги иссиқ фаслини, ёзмоқ ва ёймоқ феълларининг буйруқ майлини, кўчма маънода эса умрнинг энг гуллаган, самарали даврини (масалан, ёзим ўтди…) қалбнинг қувончга тўлган чоғини (масалан, кўнгли ёз бўлди…) тушунамиз. Қадимги туркий тилда «ёз»нинг чўл, дашт маъноси ҳам бор. Носир Рабғузий кўпроқ шу маънога урғу берган. Бу эса байтдаги ўта зидлик (контраст)ни юзага келтирган. Шоир бу сўз воситасида баҳор фаслидаги алвон лолалар, ям-яшил ўсимликлар, турфа гулу чечакларга бурканган чўлларнинг афзаллигини намойиш этган.

Тузилиш таркибига (композицион хусусиятларига) кўра бу ғазал ўзбек ғазалиёти ривожида алоҳида ўрин тутади. У ўзбек ғазалиётининг нодир намуналаридан бири – якпора ғазалнинг илк ва гўзал намунасидир. Якпора ғазалларда ҳар байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланган бўлади. Якпора сўзи яхлит деган маънони билдиради. Якпора ғазалнинг мазмуни матлаъда кўтарилган бир мавзуни изчил ёритиш жараёнида вужудга келади. Рабғузий ғазали матлаъида табиатдаги фасл алмашиниши, қиш ўрнини баҳор эгаллаши тасвирланади. Кейинги мисраларда эса матлаъдаги мавзу ва мазмун изчил ривожлантирилади. Сўнгги барча байтлар бир-бирига мантиқан маҳкам боғланиб, баҳор кунларида жаҳон кўрки тобора ортиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламида жонланиш, ўсиш-ўзгариш юз бериши, умуман, ҳаёт қизғин тус олиши ҳақида сўзлайди.

Қизиғи шундаки, Навоий даврига қадар ҳам бундай ғазаллар кам яратилган. Чунки якпора ғазал яратиш катта маҳорат талаб қилар эди. Шоирлар асосан, пароканда ғазаллар ёзардилар. Пароканда ғазалдаги умумий бадиий мазмун ёхуд композиция тарқоқ ҳолда бўларди. Ҳар байтдаги алоҳида-алоҳида мазмун яхлит ҳолда пароканда ғазалнинг ғоявий мундарижасини ташкил этарди. Навоий пароканда ғазаллар билангина чекланган замондошларини танқид қилиб, ғазал композицияси ҳақидаги истакларини бундай баён этган эди: «Сойир давонинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб навъаларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан майлан махсус навъда воқеъ бўлса, ҳамул матлаъ била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдирмайдурурлар, балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорномойлик қилибдур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулоямотдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин сайъ қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқе бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай». (Алишер Навоий. «Хазойин ул-маоний». 1-том. Т.: Фан. 1959 й. 769–770 бетлар).

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**
**(Давоми бор).**



# ЧИЗГИЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

Биз баҳор фаслини, Наврўз айёмини янгиланиш, яшариш онлари, дея таърифлаймиз. Бу лаҳзалар инсонга ўзгача бир ғайрат, айниқса ижодкор аҳлига сеҳрли туйғулар бахш этади. Шоирлар қалбларни титратувчи ашъорлар битишса, рассомлар нигоҳингизни муҳрлаб, хаёлларингизни сеҳрли оламга етакловчи асарлар ижод қилишади. Наврўз айёми олдидан Қуролли Кучлар Марказий музейида Ўзбекистон бадиий академияси билан ҳамкорликда «Ассалом, Наврўз» деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган асарлар намойиши бир ой давом этиши мўлжалланган бўлиб, унинг очилиш маросимида Ўзбекистон бадиий академиясининг таниқли рассомлари, Қуролли Кучлар Марказий музейи қошидаги фахрийлар кенгаши аъзолари, ҳарбий хизматчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Кўргазмадан пойтахтлик рассомларнинг қирқдан зиёд ижодий ишлари жой олди. Бу ижод намуналарининг муаллифлари профессионал таниқли рассомлар эканлигини ҳисобга олсак, намойишга қўйилган ҳар бир асар кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдириши, ўз мухлисларига эга бўлиши табиий ҳол. Шунингдек, бу ижодий ишлар сирасига нафақат бетакрор чизгилар, балки баҳор гуллари акс этган фотоасарлар, табиат инъомларидан аппликация усулида тайёрланган намуналар ҳамда керамикада ишланган ўзига хос композициялар киритилгани ҳам мухлислар эътиборини тортди.

Кўргазмадаги асарларни қизиқиш ва эътибор билан томоша қилаётган офицер ва сержантлар, курсантлар, аскарлар ва мактаб ўқувчиларига эътибор бераман. Кимдир ўз руҳиятига мос тушган расмга термулиб чуқур ўйга толган бўлса, кимдир чизгилар устида дўсти билан баҳслашаяпти, яна кимдир бир йўналишдаги композицияларнинг мазмун-моҳиятини, рассомнинг мақсадини тушуниб етиш учун бор диққатини асарларга қаратган. Келинг, мақсадимиз кўргазма ҳақида сўз юритиш экан, намойишга қўйилган асарлар, уларнинг муаллифлари ҳақида қисқа тўхталиб ўтайлик.

Таниқли рассом-педагог Ваҳоб Зияев Қуролли Кучлар миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва танловларнинг доимий иштирокчиларидан. У узоқ йиллар Республика болалар ижодиёт марказида фаолият юритган. Рассомнинг асарлари ёрқин рангларда ишланган бўлиб, мухлислар ижодкорнинг натюрмортлари орқали баҳор нафасини ҳис қилиб туришади

Иқтидорли мўйқалам соҳиби Анатолий Слугиннинг ижодий ишларида ўзига хослик, шунингдек, ранг-баранглик мужассам. Рассомнинг «Аёлнинг астрологияси» композицияси устида узоқ тўхталиш мумкин. Графика усулида яратилган бу чизгилар ҳар қандай мухлисни ўзига ром этади. Ва албатта, сизни мулоҳаза юритишга, рассом мақсадини англашга ундайди. Бу ижодкорнинг аппликация усулидаги ижод намунаси ва «Баҳор гуллари» дея номланган фотокўргазмаси ҳам барча меҳмонлар эътиборида бўлди.

Кўргазмага «Ўзбекистон» ва «Эски Жўва» номли асарлари қўйилган таниқли мўйқалам соҳиби Александр Батиковнинг ижодий ишларида табиийлик мужассам. Рассом асар моҳиятини мухлисларига етказа олган. Унинг асарларини шунчаки томоша қилиш мумкин эмас. Ижодкорнинг бу ютуғини асарлари олдида узоқ тўхтаб қолаётган мухлислар эътиборидан ҳам англаш мумкин.

Геннадий Серов томонидан кўргазмага тақдим этилган икки натюрморт рассомнинг юксак иқтидоридан далолат бериб турибди. Турли йўналишларда яратилган икки гулдаста руҳиятингизни ўз оламига торта билиши билан ўта таъсирлидир.

Тарих музейининг катта илмий ходими Александра Ревеснинг «Романслардан композиция» туркумидаги асарлари ҳам кўргазма меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Ўта эътибор билан ишланган бу ижодий ишлар кўпчилик назарида бўлди.

Таниқли рассом Валерий Утешевнинг «Баҳорги Чилонзор», «Паркда баҳор» асарлари, иқтидорли ижодкор Людмила Козлова ижодига мансуб керамика усулидаги «Баҳорги кайфият» асари гўзал фасл тароватини қалбларга сингдира олгани билан барчага манзур бўлди, десак янглишмаймиз.

Албатта, ҳар бир ижодкор, ҳар бир асар устида тўхталиб ўтиш қийин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қуролли Кучлар Марказий музейи ходимлари томонидан Наврўз байрамига бағишлаб ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ташкил этилган ушбу кўргазма барчанинг таҳсинига сазовор бўлди, дейиш мумкин.

**Зулфия НИШОНОВА.**

«Энг яхши аскар чойхонаси»

# КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ – ШИЖОАТЛАРГА ИЛҲОМ

Суннат ака Очилов раҳбарлик қилаётган аскарлар чойхонаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари орасида бўлиб ўтган «Энг яхши аскар чойхонаси» танловида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Чойхона фаолияти билан қисқача танишиб, бу ҳақда муштарийларга ҳам маълумот беришни лозим топдик. Зеро, бу ҳам ҳарбийларимизга кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликдан, шароитлар яхшиланаётганидан далолат.

Чойхона шинам ва ораста жиҳозланган. Деворларда рангли суратлар, табиатнинг турфа тасвирлари, ойналарга озода пардалар осилган, тувакларда ўн хилдан зиёд гуллар ўстирилмоқда. Турли пишириқлар билан бирга ҳар хил мева шарбатлари, қайнатилган тухум, колбаса ҳамда кондитер маҳсулотлари сотилади.

– Шу қисмдаги аскарлар чойхонасида беш йилдан буён ишлайман, – деди чойхона мудири Суннат ака Очилов. – Посбонларимизга қулайликлар яратиш учун чойхонамизда мусиқий марказ, иккита рангли телевизор, радио, газета-журналлар ҳамда шахмат-шашка сингари маданий ҳордиқ воситалари бор. Аскар йигитлар туғилган кунлари ва байрам кечаларини шу ерда ўтказадилар. Муддатли хизмат ва сафарбарлик чақируви резерви йиғини иштирокчилари Ҳарбий қасамёд қабул қилган пайтларда ташриф буюрган меҳмонлар ҳамда ота-оналар ҳам чойхонамизда ҳордиқ олиб кетадилар. Айни пайтда қирқ саккиз кишини қабул қилиб, хизмат кўрсата оламиз. Келажакда эса янада яхшироқ ва қулайроқ шароит яратилишига умидвормиз. Қисм раҳбарияти бизга ёрдамини аямайди. Режага кўра, чойхонани яхшилаб таъмирлаб, пешайвон қўшиш мўлжалимиз бор. Ҳозирча иккинчи ўринга эришдик, аммо биринчига сазовор бўлиш орзуси кўнглимизни асло тарк этган эмас.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Мазкур жумлаларни ҳарбийча ҳаётга татбиқ этсак, у албатта, кўнгилли ҳордиқ олган посбонларнинг хизмат бурчларига янаям шижоат билан ёндашиб, ҳарбу зарбда олға силжишларига ўзига хос тиргак бўлиши демакдир. Қолаверса, мавжуд бу каби қулайликлар жангчиларимизнинг шароитларини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар сираси сифатида ҳам аҳамиятли. Истаймизки, бундай оромижон гўшалар янаям кўпайиб, хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортаверсин.

**Катта лейтенант**
**Яшин КОМИЛОВ,**
**Подполковник**
**Ярослав КОРУКА**
**олган сурат.**



Мулоҳаза

# МАДАНИЯТ ЁКИ ШАХСНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИ

Инсон – ижтимоий-маданий бойликлар ижодкори, субъекти. Жамият нималардан фойдаланаётган ва нималар билан фахрланаётган бўлса, уларнинг барчаси инсон ақлу тафаккури, заковати ва меҳнатининг маҳсулидир. Демак, маданият тўғрисида гап кетганда, энг аввало, шахснинг қобилиятларини ўстириш, ундаги яширин фазилат ва салоҳиятни ривожлантириш устида фикр юритишга тўғри келади.

Канадалик тадқиқотчи Ганс Сельенинг таъкидлашича, инсон миясида атом ядросига тенг интеллектуал куч яширинган. Тарихда 70, 100, ҳатто 270 тилни билган шахслар бўлгани маълум. Мутахассисларнинг фикрига кўра, оддий киши умри давомида 40 тилни ўрганиши ва унда бемалол гапириши мумкин. Даҳолар ўзининг мия интеллектуал имкониятларидан атиги 10 фоиз фойдаланар экан, холос. Тўғри, бундай кишилар истисно. Аммо айрим шахслар қилган ишлар вақти келиб оммавий хусусият касб этиши мумкин.

Маданият бу, энг аввало, кишининг интеллектуал салоҳиятидир. Интеллектуал салоҳият деганда биз бадиий, илмий, техникавий каби соҳаларда кишининг ижод қилиш имкониятлари, қобилиятлари ва кўникмаларини назарда тутамиз. Бундай ижод инсон руҳи, ҳаёти, ўйи ва ғаму ташвишларини маълум бир образлар, моделлар ва белгилар орқали акс эттиргани учун кўпчиликни ўзига жалб этади. Асарлардаги ранг-баранг тасвирлар, шакллар, оҳанглар, қофия ва ўхшатишлар киши ҳиссига тез таъсир этади. «Бадиий ижодга, – дейди француз файласуфи, Нобель мукофоти лауреати Анри Бергсон, – ёзув-чизувга ўргангандек ўрганиш мумкин». Бу сўзларда муболаға бўлсада, уларда маълум бир ҳақиқат борлигини инкор қилиб бўлмайди. Чақалоқ она алласига қулоқ солади, тўрт-беш ой ўтгач, мусиқага қулоқ тутиб қўлларини, оёқларини ўйнатади, хурсанд бўлиб кулади, нималарнидир такрорламоқчи бўлади. Уч-тўрт яшар бола ҳарф таниши ва ўзи ҳам ёзиши мумкин. Хуллас одамнинг узоқ асрлар давомидаги бадиий ижодга бўлган қобилияти, қизиқиши туғма фазилатга айланган бўлса, ажаб эмас.

Бадиий ижодга деярли барча қобилиятли бўлсада, лекин ҳамма ҳам қобилиятини намоён қилолмайди. Айниқса, ёши ўтган кишиларда бу жараён мураккаблашади. Баъзан ён-атрофдагиларнинг фикрлари (масалан, қирққа киргач, сурнайчи бўлармидинг ва б.) ёши ўтган кишига салбий таъсир этади. Шунинг учун шахсда ўз кучига ва ижодий қобилиятига ишонишни тарбиялаш энг муҳим ижтимоий-тарбиявий вазифа ҳисобланади.

Шахс ижоднинг у ёки бу тури билан шуғулланишдан олдин ўз имкониятларини, руҳий-маънавий ва жисмоний тайёргарлигини ҳам ҳисобга олиши зарур. Масалан, умрида бадантарбия билан шуғулланмаган кишидан балет санъати билан шуғулланишини талаб қилиб бўлмайди. Худди шунингдек, ғишт терувчини пианино ёки скрипка чалишга ўргатиш ҳам қийин, чунки унинг бармоқлари чаққонликни йўқотган. Аммо бу мисолларимиз истаган кишини истаган бадиий ижод турига ўргатиш мумкин, деган фикрни рад қилолмайди. Сабаби, одам бадиий ижодда кашфиётлар қилолмаслиги мумкин, аммо санъатнинг асосларини ўрганишга ҳар доим қодирдир.

Маданият ва ижодий хислатлар пировард натижада кишининг ахлоқида, турмуш тарзида ва жамиятга бўлган муносабатларида акс этади. Биз кишиларни хулқи ва ахлоқига қараб баҳолаймиз, уларни ахлоқли ёки ахлоқсизга ажратамиз. Ахлоқ нормалари бузилган жойда санъаткорнинг кашфиётлари, маданий бойликлари баъзан унутилади. Умуминсоний ахлоқ нуқтаи назаридан, ҳақиқатдан ҳам, шундай. Бироқ маданият тарихи буюк кашфиёт эгаларининг ахлоқидаги қусурлардан кўра улар қолдирган бой меросни кўпроқ эслайди ва улуғлайди. Бундай мисолларни машҳур ижодкорлар ҳаётидан кўплаб келтиришимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам ижодкорлар ҳаёти ва турмуш тарзи бошқаларникидан ўзгачароқ, тайёр андозаларга сиғмайдиганроқ кечади. Шунинг учун буюк санъаткорларни Ломброзо «телба» деб атайди. Бироқ бу «телбалик» яратиш учун, ижод учундир. Айниқса, буюк кашфиётларга қаратилган ижод фидойиликни, ҳузур-ҳаловат, ҳатто шахсий бахтдан воз кечишни ҳам талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, илм-фан ижодий жараёнларни ўрганиб, улар ҳақида маълум бир хулосаларга келган бўлса-да, шахс ижодий қобилиятларини ривожлантириш сирлари ва усуллари ҳақида ҳали барчага маъқул бўлган методикани ишлаб чиққан эмас. Инсоният маданий тараққиётни ўз олдига асосий мақсад қилиб олган экан, шахс ижодий қобилиятларини ўстириш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолаверади.

**Холмат САМАТОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети фалсафа кафедраси доценти.**

# «АЙЁМЛАРНИ БИРГА НИШОНЛАЙЛИК»



**Бугунги меҳмонимиз эстрада санъатининг хушовоз хонандаси, дилтортар сози, дилҳузур овози бўлган истеъдодли санъаткор Алишер Рўзметовдир. Қуйида у билан ўтказилган суҳбатни сиз, азизлар ҳукмига ҳавола қилмоқдамиз.**

**— Алишер ака, айтингчи, сизнинг санъат соҳасини танлашингизга оилавий муҳит таъсир қилганми?**

– Албатта. Менинг ота-боболарим санъаткор бўлишган. Отам Ғанижон Рўзметов эса ҳам хонанда, ҳам созанда, биринчи устозим эдилар. Болалигимдан улар менга ўрнак бўлганлар. Отамнинг бир сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Улар «Болам, санъатнинг нонини ейиш учун темирдан тиш керак», дердилар доим. Бу гўзаллик дунёсига киришдан олдин мен соҳанинг қийинчиликларини, машаққатларини жуда яхши билардим. Шу қийинчиликларни енгиб чиқишимга астойдил ишонганман. Шукрки, қўлимга соз ушлаб, қўшиқ куйлаб ҳечам кам бўлмадим. Аслида касб эгаллаш осон иш эмас. Нафақат санъат, балки бошқа соҳаларнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бор. Мен жон койитиб меҳнат қилган, фидойи одамларни жуда ҳурмат қиламан. Назаримда ҳар қандай одам ҳам қийинчиликни енгиб ўтсагина, ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Мақсадга эришиш эса қалбга ҳузур бағишлайди.

**— Қўшиқ матнларини танлашда қайси шоирлар ижодига мурожаат қиласиз?**

– Кўпинча Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърларидан фойдаланаман. Гоҳо шеър ёзиб, қўшиқ ҳам қиламан. Умуман, ўз фаолиятимдан мамнунман. Мухлисларим мени яхши кўрадилар. Бундан ортиқ мукофот борми?! Агар санъаткорни мухлислар олқишламаса, қўшиқ айтгани бир пулга қиммат. Айниқса, бугунги бозор шароитида мухлислар эътиборида туриш жуда қийин. Бунинг учун истеъдод керак. Санъаткор камтарин бўлса, сабрли бўлса, тинмай изланса, унинг ишлари ҳам шубҳасиз юришиб кетади.

**— Алишер ака, санъаткор бўлиш учун оз ўқимаган, меҳнат қилмаган бўлсангиз керак?**

– Тўғри айтасиз, мен аввалига Глиэр номидаги мусиқа мактабини, сўнгра республика мусиқа ва рассомчилик мактабини, кейин Ҳамза ва Юнус Ражабий номидаги мусиқа мактабларини тугатганман. Кейинчалик Низомий номидаги педагогика университетининг мусиқа бўлимида таҳсил олдим. Шу ўқув масканларида озми-кўпми билим олдим, устоз кўрдим. Хуллас, умр бекор ўтмади, куйлашни ўргандим.

**— Талабалик йиллари бир куни машҳур бўлиб кетаман, деб ўйлаганмисиз?**

– Ўша пайтларда санъаткор бўлишни орзу қилардим. Бироқ бугунгидай мухлисларга эга бўлишни ўйламаганман. Меҳнат қилсангиз, ҳаммаси бўлаверар экан. Бирдан бир орзуим устоз санъаткор Комилжон Отаниёзовга ўхшаб куйлашдир.

**— Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Орзуингизга эришиб юринг. Ижодингизга отаонангиз танқидий назар билан қарашганми? Ҳозирги кунгача қанча альбом чиқардингиз?**

– Қўшиқ яратишимда ҳар доим отам билан маслаҳатлашардим. Раҳматлик мени очиқданочиқ танқид қилар, баъзида мақтаб қўйиб, йўл-йўриқлар берар, хатога йўл қўйилган жойини ўзи амалда маромига етказиб кўрсатарди. Мен танқиддан ҳеч қачон ранжиган эмасман. Ҳар доим олдинга интилиб яшаб келдим. Мана, бирин-кетин альбомларим чиқаяпти. Бундан хурсандман. Ўтган йили «Севдим» деб номланган қўшиқлар тўпламини чиқардим, бу йил эса «Муҳаббатимсан» деган альбомим тайёр бўлиб қолди. Уни яқин кунларда мухлислар ҳукмига ҳавола қиламан.

**— Мана, сиз санъаткорсиз. Ажойиб қўшиқлар куйлайсиз. Ҳамкасбларингиз билан ижодий фаолиятдан бошқа пайтларда ҳам учрашиб, мулоқот қилиб турасизми?**

– Албатта. Ҳамкасбларимизнинг бири акам, бири укамдай яқин. Улардан ҳар доим ўрганаман. Ёшлар устоз кўрмаса бўлмайди. Устоз кўрган санъаткор кўп нарсага тушунади, ўйлайди, энг асосийси, минг бир мақомга йўрғалаб кетавермайди. Ўзининг айтадиган сўзи бўлади. Агар кимки ҳамма нарсани пул ҳал қилади, деса қаттиқ янглишади. Мен бунга қўшила олмайман. Санъаткор вазиятга, шароитга қараб иш юритиши керак. Баъзан танимаган, билмаган одам уйимга келиб, «Акажон, тўй қилаётувдик, сизни бирга бўлишингизни ният қилганмиз. Келинг, бир хизмат қилиб беринг. Бироқ пулимиз камроқ», деган пайтлар кўп бўлган. Шунда бориб, тўйда беминнат хизмат қилганман. Қайтага обрў-ҳурматим ортди. Улар билан дўст бўлиб қолдим. Менга ишониб, ёрдам сўраб келган инсонларни ҳеч қачон хафа қилиб қайтармаганман. Ҳаётда ҳаммаси из-изига тушиб кетади. Фақат кутиш керак. Қани энди, одамларга кўпроқ ёрдамим тегса, кўплар менга ишонса, уларни хизматим, санъатим билан хурсанд қилсам, ўзимни жуда бахтиёр санардим.

**— Ҳозир қандай орзулар билан яшаяпсиз?**

– Орзуларим, режаларим кўп. Аммо биз, санъаткорларнинг энг асосий мақсадимиз – ўзбек санъатини авайлаб-асраш, уни янада юксак даражаларга, мақомларга кўтариш. 2004 йили Германиянинг Франкфурт, Бельгиянинг Брюссель шаҳарларида, Францияда кўплаб концертлар қўйиб қайтдик. Ана ўшанда, ўзбек миллий санъатининг таъсир кучини, қудратини яқиндан ҳис қилганман. Унга бўлган меҳрим, ҳурматим янада зиёда бўлган.

**— Муштарийларга, ҳарбийларга айни Наврўз кунларида қандай тилакларингиз бор?**

– Мухлисларимиз, гўзал юртимиз посбонлари ҳамиша омон бўлишсин. Уларнинг борлиги, шинавандалиги учун биз, санъаткорлар кўкрак кериб юрибмиз. Илоҳим, яхши кунларни, улуғ айёмларни, байрамларни доим бирга нишонлайлик. Хонадонлардан тўй, хурсандчилик аримасин. Наврўзи олам қалбимизни энг эзгу туйғуларга лиммо-лим тўлдираверсин.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

Театральный сезон

## ПАМЯТЬ ЖИВЕТ

Имя заслуженного артиста Узбекистана Батыра Закирова знает у нас в республике и стар и млад. В свое время солист ансамбля «Ялла» и основатель Ташкентского мюзик-холла объездил с этими коллективами полсвета и везде находил восторженный прием. Он рано ушел из жизни, но его богатая событиями и встречами биография всегда привлекала внимание. Потому Михаил Хачатуров написал для столичного Театра музыкальной комедии (оперетты) спектакль. С тех пор постановка-мемориал, посвященная памяти Батыра Закирова, — «Арабское танго» — не сходит со сцены театра. В спектакле нет никакого драматургического решения, это скорее композиция из образов и песен — тех самых, которые его и прославили. В основу сценария положены дневниковые записи артиста, которые он вел в период обострения болезни. Там собрано воедино все: и ностальгия, и любовь, и грусть о том, что не сделано. От лица автора спектакль ведет заслуженный артист Узбекистана Феруз Максудов. На сцене поочередно появляются... нет, не главные герои, а собирательные образы — Певец, его жена Галина. Их воплотили в жизнь Акмаль Саидов, Наталья Лобкова, заслуженный артист Узбекистана Сурат Артыков и молодые актеры.

**Рамиль ИСЛАМОВ.**

## СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Вольная борьба: Кубок независимости Узбекистана

### «БРОНЗОВЫЙ» ЗАДЕЛ АРМЕЙЦА




**На днях в спортивном комплексе «Узбекистон» завершился традиционный Международный турнир по вольной борьбе на Кубок независимости Узбекистана, получивший несколько лет назад высокий статус — «Золотой Гран-при». Представители 15 стран мира оспаривали награды турнира в семи весовых категориях.**

В течение двух дней любители вольной борьбы наслаждались зрелищем интересных и захватывающих поединков. Оно и понятно, ведь в турнире, наряду с молодыми талантливыми атлетами, участвовали и именитые звезды мирового спорта — победители Олимпиад и чемпионы мира.

Жаркие схватки за главные награды состоялись в четырех весовых категориях: 55 кг, 66 кг, 84 кг и 120 кг. Тем отраднее, что наши соотечественники завоевали одну золотую, одну серебряную и две бронзовые медали.

Об остроте накала борьбы, о силе настроя спортсменов на победу можно судить хотя бы по тому, что в схватках за призовые места порой выбывали даже олимпийские чемпионы, занимая места среди зрителей. Одним из тех, кто проявил огромную силу воли и одержал победу в упорном поединке за «бронзу» против олимпийского чемпиона, был наш земляк, представитель МХСК, заслуженный спортсмен Узбекистана Атхам Очилов (55 кг). Он проявил поистине армейский характер и настоящее мужество. Проигрывая в первом периоде олимпийскому чемпиону из Азербайджана Намизу Абдуллаеву 1 балл, Очилов сумел-таки в третьем периоде вырвать победу — 3:1.

Пример Атхама вдохновил всю команду борцов Узбекистана. Свои бойцовские качества проявил и другой наш молодой, талантливый спортсмен мастер спорта Абдулла Амаев (84 кг). В упорной борьбе за бронзовую награду он одолел одного из опытнейших атлетов — заслуженного мастера спорта из Казахстана Геннадия Лалиева.

Большие надежды поклонники борьбы возлагали на одного из лидеров нашей команды — двукратного чемпиона мира, заслуженного спортсмена Узбекистана Дильшода Мансурова (55 кг). В финальном поединке он «схлестнулся» с олимпийским чемпионом из США, многоопытным атлетом Саммием Херсоном. В первом периоде схватки Мансуров был быстрее соперника — молниеносным проведением приема он записал в свой актив 1 балл. Но, к сожалению, во второй половине встречи потерпел поражение и стал серебряным призером.

Зато один из титулованных спортсменов нашей команды — олимпийский чемпион Афин, заслуженный спортсмен Узбекистана Артур Таймазов (120 кг) — в финале одержал уверенную победу над опытнейшим спортсменом из Грузии, заслуженным мастером спорта Александром Модебадзе, завоевав «золото» в копилку команды Узбекистана.

### ПЛАВАЙТЕ НА ЗДОРОВЬЕ

В Ташкенте на базе Дворца водного спорта Государственного теннисного клуба «Узбекистон» состоялся традиционный турнир по плаванию среди детей 9 — 15 лет. Данная акция проводилась в рамках Программы «Здоровье нации».

Кроме обычной детской радости от пребывания на воде лучшего плавательного бассейна страны, участники и победители получили от организаторов памятные призы и подарки.

Победу праздновали хозяева из команды ГТК «Узбекистон» (дистанция 50 м) и воспитанники Фонда «Мехржон-спорт» (дистанция 100 м).

## ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



### «Интер» в четвертьфинале

Последним четвертьфиналистом футбольной Лиги чемпионов стал миланский «Интер». Итальянцы с минимальным счетом одолели голландский «Аякс». В четвертьфинале «Интер» сыграет с испанским клубом «Вильяреал». Недавно в Париже состоялась жеребьевка очередной стадии самого престижного еврокубка. По ее итогам определились составы пар команд, которым предстоит сыграть в четвертьфинале самого престижного клубного турнира.



### Определился победитель шахматного супертурнира

Завершился традиционный Международный шахматный супертурнир XX категории ФИДЕ «Ciudad de Linares-Morelia». Восемь ведущих гроссмейстеров по двухкруговой системе боролись за 380 тысяч евро. Единоличным победителем супертурнира стал армянин Левон Аронян, который в последнем туре обыграл венгра Петера Леко и в итоге набрал 8,5 очков. На пол-очка меньше у чемпиона мира болгарина Веселина Топалова и азербайджанца Теймура Раджабова. Второе место по дополнительным показателям занял Топалов. На четвертом месте Леко — 7,5 очков.



### Игры Британского содружества

В австралийском Мельбурне состоялась торжественная церемония открытия XVIII спортивных игр Британского содружества. Для жителей Зеленого континента нынешние соревнования, проводимые раз в четыре года по олимпийскому циклу, станут крупнейшим спортивным событием за последние годы. В нынешних состязаниях принимают участие порядка 4,5 тысячи атлетов из семидесяти одной бывшей английской колонии, которые в настоящее время объединяет почтительное отношение к культурно-историческому наследию, а для некоторых из них британский монарх продолжает оставаться хоть и формальным, но главой государства.




### Поединки гладиаторов

20 самых известных в мире мастеров боевых искусств войдут в металлическую клетку высотой 2,134 метра в Манчестере и будут драться пока один не сдастся, на глазах у 12 тысяч зрителей. За проведение этих боев и за то, чтобы не было жертв, отвечает бывший чемпион мира по боксу в тяжелом весе Майк Тайсон. Бои в клетке, известные также как «смешанные боевые искусства», были придуманы в 1993 году, чтобы разрешить использование в одном бою приемов бокса, борьбы и боевых искусств.

**Подготовил Хайритдин ЗАЙНИЛОВ**

## ҚАДИМИЙ, МАРДОНА ЎЙИН БУ

Шарқ халқлари орасида жуда қадимий ўйинларидан бири сифатида чавгон эсга олинади. Қоидалари жиҳатидан бу ҳозирги хоккейни, қолаверса, кўпкарини эслатган. Буни таъкидлаётганимиз боиси, Наврўз айёмларида ота-боболаримизнинг севимли ўйинларидан бири шу саналган. Хусусан, бобокалонимиз Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли китобида Наврўз байрамини таърифлаб-тасвирлаб, мазкур айёмдаги энг қизиқарли ўйинлардан бири сифатида чавгонни келтириб ўтади. Саркарда ва шоҳ Бобур эса «Бобурнома» асарида бу қадимий, мардона ўйинни ўзи ҳам севиб ўйнаганини таъкидлайди. Ҳатто Маҳмуд Қошғарий бобомиз ўзининг «Девону луғотит турк» асарида тилга олинаётган ўйин борасида қимматли маълумотлар берган. Қолаверса, Навоий, Жомий, Рудакий, Умар Хайём каби даҳоларнинг ҳам ўз асарларида чавгонга эътибор қаратиши унинг Шарқ халқлари учун ўзига хос бир қадрият даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Суворийлар икки жамоага 5-6 тадан бўлиниб, миллий чавандозлик либосларида майдонга тушиб, учи эгик узун таёқ, (хоккей дастасини эслатади) махсус тўп билан бир соат давомида чавгон ўйнашган. Ўйин икки танаффусли бўлиб, уни отлиқ ҳакам майдон ичида, пиёда икки ёрдамчи майдон чеккасида бошқариб борган. Қоида дарвоза ёнида бузилса, рақиб томон дарвозасига 6 қадамдан жарима тўпи белгиланган.

Минг ёшдан ошган чавгонимиз бугун негадир унутилиб бормоқда. Бу борада ўйлаб кўрилса, ҳатто мактаб дастурига ҳам киритилиб, ёшларимизга у ҳақда, умуман кўҳна ва қадим ўйинларимиз ўргатилса, нур устига аъло нур бўларди.

**Азиза САФАРОВА,**
**Бухоро вилояти, Олот тумани 13-мактаб ўқитувчиси.**

## СКАНВОРД



Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. ОБРЎЕВ, Х. ЗАЙНИЛОВ,
Ё. ҲАКИМОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98; масъул котиб – 56 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № J-2159. Адади 26700.